

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 28 май, Чоршанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (11.162)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

●**КЕЧАДАН** Собир Раҳимов туманидаги Тошкент курилиш касб-хунар коллежида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган Республика фан олимпиадасининг IV boskichi бошланди.

●**КЕЧА** «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Экология ва саломатлик кунлари» дастури лойиҳаси доирасида уюштирилди.

●**КЕЧА** шаҳримизда Республика Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан тегира ишлов беришнинг замонавий усулларига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўзбек ва япон хунармандлари иштирок этишди. Тадбир доирасида хунармандлар томонидан тайёрланган махсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

●**БУГУН** Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилаётган ёшлар форуми ҳамда болалар томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси аяқланди.

●**КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида олий ўқув юрталари талабалари, шифокорлар иштирокида уюштирилган давра суҳбатига тамаки махсулотларининг инсон соғлиғига зарари ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

●**КЕЧА** Республика Байналмилал маданият марказида шаҳримиздаги миллий маданият марказлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбир миллатлараро тотувликни асраш масалаларига бағишланди.

●**КЕЧА** Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда ўзбекистонлик талабаларнинг бир гуруҳига Германия академик алмашинув хизматининг стипендиялари топширилди.

●**ТОШКЕНТДАГИ** араб тилига ихтисослашган 1-умумтаълим мактабида мазкур илм мактабининг бундан 35 йил аввал тугаллаб мустақил ҳаётга қадам қўйган собиқ синфдошларнинг ўқитувчилари иштирокида учрашуви уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbopот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ЧЕТ ДАВЛАТЛАР ТАДБИРКОРЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИШГА ТУШИРИЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САФИ КЕНГАЙИШИГА ОМИЛ БЎЛМОҚДА. ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ БАРОБАРИДА, ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ЮКСАЛИШИДА ҲАМ УЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.

Қўшма корхоналарда

ХАЛҚАРО СИФАТ ДАРАЖАСИДАГИ МАҲСУЛОТЛАР

Шундай корхоналардан бири—1998 йилда фаолиятини бошлаган «Asklepiy-Svift» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам аҳоли саломатлиги йўлида баракали меҳнат қилмоқда. Яъни, мазкур корхона аҳли тиббиёт масканлари учун тиббиёт ҳамда гигиеник мақсадларда қўлланиладиган сифатли, рақобатбардош пахта, бинт, дока, салфетка, боғловчи материаллар, тампон каби 40 турдаги харидоригар махсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Ушбу корхона цехлари таъминот, ишлаб чиқариш, тажриба-синнов лабораториясидан иборат бўлиб, уларда бугунги кунда 100 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Ишлаб чиқариш цехида ўрнатилган замонавий хорижий технологиялар, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар ҳамда сифатли хом ашё корхона муваффақиятини таъминламоқда.

Чиройли, бежирим кадоқланган махсулотлар республикамизнинг турли бурчакларида жойлашган тиббиёт масканлари — поликлиника, шифохоналар, ўқув масканлари, корхона, таъкилотлардаги тиббиёт пунктларида етказиб берилмоқда. 2006 йилдан эътиборан, корхона махсулотлари «White GOLD» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилиб, нафақат юртимиз, балки Россия,



Халқаро сифат даражасидаги махсулотлар

Тожикистон, Украина, Қирғизистон, Белорусь, Қозғистон каби қўшлаб хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Доимий изланишда бўлган, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда замон билан ҳамқадам корхонада ишлаб чиқаришда сифат меъёри тизимида иш юритилиб,

устиди изланади. Ҳар бир махсулотнинг бежирим, қўлай кадоқланиши (боиси, корхона махсулотларининг сифати инсон саломатлигига хизмат қилиши назардан қочирмаган ҳолда иш юритилади) ҳамisha эътиборда.

Қўшма корхонада ишчи-хизматчиларга қўлай меҳнат ва яхши дам олиш шароитлари яратишга ҳаракат қилинади. Айниқса, ёш кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Жамоа аҳли корхона ҳисобидан транспорт воситалари, махсус иш кийимлари, бепул иссиқ овқат билан таъминланган.

Янги изланишлар олиб бораётган, фойдали лойиҳаларни амалга ошираётган корхонанинг тадбиркор жамоаси ички бозоримизни сифатли махсулотлари билан узлуксиз таъминлаш билан бирга, 2010 йилгача экспорт ҳажмини сезиларли кўтаришга эришишни мақсад қилган. Шунингдек, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш — «White GOLD» савдо белгиси билан тайёрланаётган махсулот турларини 50 тага етказиш асосида Ёшлар йилида қўллаб ёшларга янги иш ўринлари яратиш ҳам режалар каторига киради.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Asklepiy-Svift» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти фаолиятдан лавҳалар

миқсдаги фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этишига ҳам хизмат қилмоқда. Яқинда пойтахтимизда ўтган кимё фанидан 42-Менделеев номидаги халқаро олимпиадада ўзбекистонлик ўқувчиларнинг қўлга киритган ютуқлари бунинг эркин далилидир.

Жорий йил умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг дастлабки boskichларида икки миллионга яқин ўқувчи иштирок этган бўлса, уларнинг уч юз нафари беллашувнинг якуний boskichида қатнашмоқда. Умумтаълим фанлари бўйича бу йилги олимпиаданинг ўзига хослиги — ўқувчиларнинг ўз билими, иқтидори ва салоҳиятини тўла намойиш этиши учун имконият яратиш мақсадида ҳар бир фандан тест саволлари қўлайтирилди.

30 майгача давом этадиган фанлар олимпиадасида ўқувчилар ўз билимини синондан ўтказиш билан бирга турли қизиқарли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиб, пойтахтимиздаги янги барпо этилган иншоотлар, тарихий меъморий мажмуалар, музейларни томоша қилдилар.

Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси якуний boskichининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида малака ошириш сифати ва самарадорлигини юксалтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

●Ўзбекистон Бадий академияси «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси кўмагида ўтказган ЮНЕСКОнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган юбилей медалининг эскизини тайёрлаш бўйича танлов якунланди. Шу муносабат билан «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилиги болалар жамғармасида голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

●Қарши давлат университетиде «Физикани ўқитишни ривожлантириш ва унинг истиқболлари» мавзусида Республика илмий-назарий конференцияси ўтказилди. Унда республикамиздаги олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари, ушбу соҳа мутахассислари қатнашди.

●«Олмалик конметаллургия комбинати» очик акциядорлик жамияти ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси ахборот хизмати ижодий ходимлари ташаббуси билан «Шаҳар кенгаши депутатлари ва ёшлар: муаммо, имконият ва имтиёз» мавзусида брифинг ўтказилди.

●Марғилон шаҳрининг «Гулистон» ва «Зухро» маҳаллаларида 36 та ва 24 та оилага мўлжалланган, қурилиш тугалланмаган тўрт қаватли турар жой биноларида таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Муस्ताқиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган янги уйлар ёш оилаларга имтиёзли кредит ҳисобидан берилди. Аини пайтда 37 оилага кредит олиш учун йўлланма берилди.

●Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Навоий вилоятидаги болалар боғчалари республикадаги энг яхшилардан деб топилди.

●Қосонсой туманидаги «Чашмаи сафед» корхонаси сай-ҳаракати билан Боғишамол қишлоғида савдо-маиший хизмат мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маъму таркибиде маросимлар уйи, шарқона меъморий ечимдаги меҳмонхона, ошқона, спорт соғломлаштириш объектлари ва чўмилиш ҳавзаси бор.

ЖАҲОНДА

●Россия ва Дания ўртасида ҳар иккала давлат фуқаролари учун визавий режимни энгиллатиш бўйича битим имзоланди.

●Зимбабведаги Демократик ўзгаришлар учун мухолиф партияси раҳбари Морган Тсвангерани президентлик сайловининг иккинчи турида қатнашиш учун ватанига қайтди. Таъкидлаш жоизки, яна бир ойдан кейин—27 июнь кун Зимбабведа президентлик сайловининг иккинчи тури ўтказилади.

●АҚШда унчинчи ўринда турувчи сиёсий ташкилот— Либертариянлар партияси мамлакатнинг собиқ конгрессмени, 59 ёшли Роберт Баррни президентлик сайловларидаги ўз номзоди сифатида тасдиқлади.

●Канада ташқи ишлар вазири Максим Бернье истеъфога чиқди. Мамлакат бош вазири Стивен Харпернинг ушбу вазият юзасидан изоҳ беришича, Бернье давлат сиёсатида доир бўлган мутлақо махфий ҳужжатларнинг хавфсизлигини тўлиқ таъминлай олмаган ва шу боис, эгаллаб турган лавозимдан воз кечишга мажбур бўлган.

●Хитой ҳукумати зилзила натижасида ариқларнинг тўсилиб қолганлиги оқибатида мавжуд 69 тўғонда сув тошқини хавфи юзга келиши мумкинлигини маълум қилиб, Сичуань музофотидаги қарийб 1,3 миллион кишини эвакуация қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

●Европа Иттифоқи Туркменистон билан нефть-газ тармоғида ҳамкорлик қилиш юзасидан келишувга эришди.

●Челябинск шаҳри аэропорти яқинида Ан-12 юк самолёти ҳалокатга учради. Ҳалокат оқибатида самолёт бортида бўлган барча 9 киши ҳаётдан кўз юмди.

●Кеча Москвада трактор шоуси бошланди. Илк бор ташкил этилаётган ушбу тадбир давомида Россиядаги 16 та заводларнинг замонавий махсулотлари хорижий давлат харидорларига намойиш этилмоқда.

●Сомали қирғоқларида Голландия компаниясига тегишли кема қароқчилар томонидан 5 та экипаж аъзоси билан гаровга олинди.

●Шри-Ланкада содир этилган кучли портлаш оқибатида 7 киши ҳаётдан кўз юмди ва 70 га яқин одам жароҳатланди. Маълум бўлишича, йўловчи поездига ўрнатилган портловчи мослама одамлар гавжум вақтда ишга туширилган. Ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

●Forbes журналі дунёнинг энг меҳнатсевар 30 давлати рўйхатини тузиб чиқди. Уни тузишда иш соати миқдори инобатга олинди. Рейтинг жадалида биринчи ўринни Жанубий Корея эгаллаган. Ушбу мамлакатда аҳолининг ўртача иш вақти йилга 2357 соатни ташкил этади. Меҳнатсеварлик бора-бора кейинги ўринларни Греция, Чехия, Венгрия ва Польша эгаллади.

2008 — Ёшлар йили

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАР ОЛИМПИАДАСИ БОШЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЮРТИМИЗ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИНING ЯКУНИЙ БОСКИЧИ БОШЛАНДИ. У ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИКЛАРИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ, ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тадбир бошланишидан аввал олимпиада иштирокчилари, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналари Муस्ताқиллик майдонидаги муаззам обида - хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамизи бўлган Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Олимпиаданинг очилишида Ўзбекистон халқ таълими вазири Ф.Шоумаров Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдек масъулиятли жараёнда ёш авлодга пухта таълим, мукамал тарбия беришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Таълимнинг барча бўғинларида изчил, boskичма-boskич амалга оширилаётган ислохотлар аини шу эзгу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятли-

дир.

Ҳаётга татбиқ этилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига асосан юртимизда янги ва замонавий билим масканлари барпо этилиб, уларнинг моддий-техникавий базиси мустаҳкамланмоқда, таълим мазмуни ва сифатини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини янгилаш ишлари самарали давом этмоқда.

Таълим соҳасига кўрсатилаётган бундай улкан эътибор ва ғам-хўрлик ўқувчилар таваққур ва дунёқарашининг янада кенгайиши, фанларни ўзлаштириш даражасининг ортишида муҳим аҳамият касб этаётди. Бу жиҳатлар навқирон ҳамюртларимизнинг халқаро

миқсдаги фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этишига ҳам хизмат қилмоқда. Яқинда пойтахтимизда ўтган кимё фанидан 42-Менделеев номидаги халқаро олимпиадада ўзбекистонлик ўқувчиларнинг қўлга киритган ютуқлари бунинг эркин далилидир.

Жорий йил умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг дастлабки boskichларида икки миллионга яқин ўқувчи иштирок этган бўлса, уларнинг уч юз нафари беллашувнинг якуний boskichида қатнашмоқда. Умумтаълим фанлари бўйича бу йилги олимпиаданинг ўзига хослиги — ўқувчиларнинг ўз билими, иқтидори ва салоҳиятини тўла намойиш этиши учун имконият яратиш мақсадида ҳар бир фандан тест саволлари қўлайтирилди.

30 майгача давом этадиган фанлар олимпиадасида ўқувчилар ўз билимини синондан ўтказиш билан бирга турли қизиқарли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиб, пойтахтимиздаги янги барпо этилган иншоотлар, тарихий меъморий мажмуалар, музейларни томоша қилдилар.

Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси якуний boskichининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

ИСЛОМОБОДАГИ ПОКИСТОН САНЪАТ МИЛЛИЙ ГАЛЕРЕЯСИДА БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ ВА ДАВЛАТ АРБОБИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАМДА ПОКИСТОНЛИК МУМТОЗ ШОИР МУҲАММАД ИҚБОЛНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

«ЎЗБЕКИСТОН — ЗАҲИРИДДИН БОБУРГА БЕШИК БЎЛГАН ДИЁР»

Тадбир ушбу мамлакатнинг «Осиё цивилизациялари жамияти», Покистон санъат миллий галереяси ҳамда Ўзбекистоннинг Исломободдаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.



Конференция ишида Покистон сиёсий, академик, жамоат доиралари вакиллари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ва Исломободда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари ҳамда мазкур мамлакатда истиқомат қилувчи этник ўзбеклар иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, ўзининг «Бобурнома» асари билан бутун жаҳонга танилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шарқнинг буюк илм-фан ва маданият намоёндалари орасида ўзига хос мавқега эгадир. Кенг дунёқараш ва ўткир зеҳн соҳиб бўлган истеъдодли ёзувчи, санъат, адабиёт ва илм-фан хомийси Заҳириддин Бобур Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон халқлари ҳаётида муносиб из қолдирган сиймодир.

Конференцияда сўзга чиққан экспертлар, Бобур соҳибқирон Амир Темурнинг бошқарув тамойилларини ўзида мужассам этганини таъкидлаб, унинг тарихда, шунингдек этнография, шеърят ва сўфилик таълимотидаги ижобий ролига атрофлича тўхтадилар.

«Даъва» академияси бош директори, доктор Абдул Жаббор Шоқирнинг сўзларига кўра, «Ўзбекистон — ўзининг буюк аждодлари, тарихий диққатга сазовор жойлари, илм-фан, маданият ва санъат намоёндалари билан ҳамisha жаҳон халқлари хавасини уйғотиб келган диёрдир. У истиқолга эришганидан сўнг Президент Ислам Каримовнинг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсати туфайли бутунлай янги киёфа касб этапти. Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ва илмий мероси қайта тикланиб, чуқур ўрганилмоқда, янги иншоотлар қад ростлапти».

(Давоми 3-бетда).



ШАХРИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҚАРОРИ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИ БИРДАЙ ТЎЛҚИНЛАНТИРИБ ЮБОРДИ. ҚАРОРДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ОБИДАЛАР ВА ЁДГОРЛИКЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, МАДАНИЯТ ВА САҢЪАТ МАСКАНЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ, ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАН САНАЛАДИ. ҲОЗИРДА ҚУТЛУФ ЮБИЛЕЙ МУНОСАБАТИ БИЛАН ШАХРИМИЗДА ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВЛАР, ФЕСТИВАЛЬ ВА КЎРГАЗМАЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ЖИЛОЛАРДА АКС ЭТАР ШАХРИМ



Яқинда Маданият ва санъат маркази кўргазмалари залида «Шахримиз жилолари» мавзuida музейлар фестивали бўлиб ўтди. Мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекизмусей» жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этдилар.

маънодаги марказидир, десак адашмаймиз. Бир пайтлар Тошкентни «Нон шаҳри», «Дўстлик шаҳри» деб аташган. Муस्ताқиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий юксалишлар туфайли шаҳар яна бир мақомга эришди. Халқро ислом ташкилоти (ISESCO) қарори билан Тошкент ислом маданиятининг пойтахти сифатида эътироф этилди. Демакки, шаҳримиз янада чирой очади ва гўзаллашади. Бунёдкорлик руҳига йўғрилган ислохотлар давом этади. Бугунги фестивал эса, миллий анъаналаримизга, қадриятларимиз ва урф-одатларимизга бўлган юксак эътибор ва эҳтиромнинг бир кўринишидир.

ён бўлгандай туюлади. Уч кун давом этган фестивал доирасида республикада мавжуд 21 та музейлар, жумладан пойтахтимиздаги Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, Темировлар тарихи давлат музейи, Олимпия шон-шухрати музейи ҳамда Давлат санъат музейи ўзларининг энг нодир экспонатлари билан шаҳар аҳолисини хушнуд этдилар. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси музейи ҳам ушбу жараёнда ўзининг бир-бирига ўхшамаган, миллийлиги фуқриб турган энг сара кўргазмаларини намойиш этди. Фестивал сўнгида голиб деб топилган Ўзбекистон амалий санъат музейи, Ўзбекистон Давлат табиат музейи ҳамда Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлар билан тақдирландилар. Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

ИСЛОМОБОДА АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ИСЛОМОБОДАГИ ПРЕСТОН УНИВЕРСИТЕТИ, ПОКИСТОННИНГ «ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ ЖАМИЯТИ» ҲАМДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ УШБУ МАМЛАКАТДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Халқро конференция ишида турли вазирлик ва идоралар, иқтисодий-сиёсий доиралари вакиллари, таниқли олимлар, таҳлилий марказлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, Исломободдаги Престон университети ва Халқро Исломуниверситетлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди. Конференцияда шунингдек, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ўқитувчилари — профессор Т.Холмиров ва доктор А.Иброҳимовлардан иборат Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳам қатнашди.

уларни янада чуқурроқ ўрганишга ундамоқда». Хоразмда яшаб, Маъруф академиясида фаолият олиб борган Ибн Сино кўп қўлаб таниқли олимлар, жумладан Абу Райхон Беруний билан яқиндан ҳамкорлик қилган ҳамда ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» ва «Китоб Ал-Шифо» асарлари учун зарур маълумотларни тўплаган. Шу муносабат билан Муҳаммад Ҳамид «Маъруф академиясини қайта тиклашдаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек Ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчиларга самарали фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бераётган Ўзбекистон раҳбариятига самимий эҳтиромини изҳор этди.

2008 — Ёшлар йили

ЁШ ОИЛАЛАРГА МАДАД

МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚОЛИНИНГ ДАСТАБКИ КУНЛАРИДАНОҚ, ҲУҚУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЕЛАЖАГИМИЗ ЭҒЛАРИ БЎЛГАН ЁШ АВЛОДГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА. БУНИ ЖАМИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ БЎГИНИ—ОИЛАЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ГАМҲУҲРИҚАДА ҲАМ КЎРИШИМИЗ МУМКИН. БУ БЕЖИЗ ЭМАС. ЗОТАН, МИЛЛАТНИ, НАСЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИГАН СОҒЛОМ АВЛОД БАРЧАМИЗ УЧУН МУҚАДДАС БЎЛГАН ОИЛАДА ДУНЁГА КЕЛАДИ ВА КАМОЛ ТОПАДИ.

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам жамиятимизда соғлом ва барқарор оилани қарор топтириш борасидаги интилишларни амалда яна бир бор кўрсатди. Мазкур Фармон юртимиз ахли учун фақуллода ҳодиса бўлмади, ҳам манъан, ҳам жисмонан соғлом авлодни камол топтириш борасидаги ислохотларнинг узвий давомийлигининг яна бир махсулидир. Чунки бу хайрли ҳаракат истиқлолнинг дастлабки йилдаёқ бошланган бўлиб, 1991-1992 йилларда Ўзбекистонда ёш оилаларни ўтиш даври қийинчиликларидан муҳофаза этиш мақсадида уларнинг меҳор ва бошқа зарур анжомларни харид қилишга доир бир қанча имтиёзлар белгиланган эди. Дарҳақиқат, мустақил ҳаётга энди кириб келадиган ёш оила дастлабки даврда кундалик турмушнинг турли қийинчиликларига дуч келиши табиий. Унинг «оила» деган муқтақил, муъжаз жамиятда ўрин тутиб кетиши осон кечмайди. Бунинг учун ёш оила маълум имтиёз ва маънавий-моддий рағбатга ўзид ахтиёқ сезади. Шу маънода Фармонда юксак оилапарварлик ва одамийлик намунаси муҷассам, десак ўринли бўлади. Ушбу Фармонда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ёки қуриш учун ипотека ва истеъмолад кредитлари олиш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши белгиланган. Унда фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп хонали уйлардаги бўш турган хоналар неғизда оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда бериладиган квартиралар ташкил этилиши ёш оилаларнинг уй-жой ва маший шароитларини яхшилашга, уй ҳўжалигини йўлга қўйишга қўмақлашга дея қайд этилади. Қолаверса, республикаимизнинг ҳар бир ҳудудидаги ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиш, ёш оилаларга микрокредитлар қаратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишлар амалга оширилиши иқросини таъминлаш борасида ҳамда ёшларнинг бундай имтиёزلардан фойдаланишига оид тушултириш- тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

РОЗИЯ СУЛТОН ХОНИМ: «ИБН СИНОНИНГ ИЛМГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ ҲОЗИРГИ ЁШ АВЛОДЛАР УЧУН ИБРАТ НАМУНАСИДИР»

лоғида таваллуд топган Абу Али Ибн Сино ўз даврининг буюк олими, файласуфи ва табиби бўлганини алоҳида қайд этди. Бу ерда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган ва минглаб китоблар сақланган том маънодаги хазина — машҳур Сарой кутубхонаси мавжуд эди. Ушбу оимлар эса Ибн Синонинг юксак қобилияти ва истеъдоди билан уйғунлашиб, унга болалик йилларидаёқ кўп қўлаб фанларни чуқур ўрганиш имконини берди. Ун тўрт ёшга тўлганда тиббиёт фанига меҳр қўйди ва Бухорода мавжуд бўлган барча тиббиётда доир кўнланмаларни ўқиб-ўрганди. Гипократ ва Галеннинг илмий ишлари Ибн Сино дунёқарашини шакллантиришда сезиларли таъсир кўрсатди.

бобида қомил шахс ва етуқ олим бўлиб, шу билан бирга тиббиёт бўйича шеърлий дoston, «Муолажалар китоби» номли фалсафий илмий асарини ёзган», дея таъкидлади. Ибн Сино нафақат мислсиз шифокор, мантик, фалсафа, мусика билимдон эди, балки яхши шоир ҳам бўлган. Унинг руҳбойилари чуқур мазмунга эгаллиги ва бадиий жиҳатдан муқаммал экани билан алоҳида ажралиб туради. Мисрлик тадқиқотчининг қайд этишича, Ибн Сино олимнинг илмий ишлари нафақат Ўзбекистон эки Марказий Осиёнинг, балки бутун жаҳоннинг, хусусан араб дунёси мамлакатларининг ҳам мероси ҳисобланади. Бинобарин, Ибн Сино ўз асарларини араб тилида иход қилган.

ТАЛАБАЛАРГА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ

ПОЙТАХТДАГИ ТАЛАБАЛАР ПОЛИКЛИНИКАСИДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» КУНИ БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ПОЛИКЛИНИКА «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, АЙНИ ПАЙТАГЧА ШАҲАРЧА ҲУДУДИДАГИ ТАЪЛИМ МУАСССАЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ВА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ҚИРҚ БЕШ МИНГДАН ЗИЁД ТАЛАБА-ЎҚУВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

Жорий йилда талабалар поликлиникаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий диагностика тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Поликлиникада шифокорларнинг тунги навабчилиги ташкил этилиб, «Тез ёрдам» хизмати йўлга қўйилган. Бундан ташқари, поликлиника ташаббуси билан турли тиббий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинаётди. Хусусан, қизларни оилага тайёрлаш, йигитларга тиббий таълим бериш борасида қизқаркли учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилган. «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги талабалар поликлиникасида ўтган «Очиқ эшиклар кўни» ушбу ишларнинг узвий давоми бўлди. Ташкил этилган талабалар поликлиникаси муваққасларидан ташқари Тошкент шаҳридаги тиббиёт марказларида фаолият юритаётган малакали шифокорлар — наркологи, коженеролог, физик, акустик, кардиолог, лор, невропатолог ҳамда меҳнат биржалари ходимлари иштирок этди. — Бу тадбирни ташкил этишдан мақсад, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимиюти матбуот котиби Назира Ҳамроева, — талабалар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг интеллектуал салохиятини ошириш, оилага тайёрлаш, уларда тиббий кўникма ҳосил қилишдир. «Очиқ эшиклар» кўни доирасида талабалар поликлиникага бориб ўз соғлиқлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишди. — Мен меғлобимнинг ҳозирги ҳолати қандай эканигини билиб олдим, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида истиқомат қилувчи Шаҳноза Алиева. — Бундай тадбирлар тез-тез ташкил этиб турилса, назаримда талабалар ўртасида кўп учрайдиган ошқозон касалигининг олди олинарди.

Престон университети проректори, доктор Муҳаммад Анвар Ҳасанининг таъкидлашича, Ибн Сино яратган бебаҳо «Тиб қонунлари» илмий асарининг номини жаҳон узра машҳур қилди. Ушбу китоб лотин тилига таржима қилингандан сўнг Европада кўп қўлаб нусхада кенг тарқалди ва ҳозирга қадар тиббиёт мутахассислари учун муҳим қўланмалардан бири бўлиб келмоқда. «Осиё цивилизациялари жамияти» вице-президенти Розия Султон хонимнинг фикрига кўра, Ибн Синонинг илмий ишлари ўз давридан бир неча аср илгарилар кетган эди. Ибн Сино ҳақиқий астролог, тиббиёт мутахассиси ва қомусий олим бўлган. У ўзининг «Китоб Ал-Шифо» асарида барча мавжуд илмий йўналишлар — фалсафа, физика, математика, метафизика, этика, иқтисодиёт ва сибсаат бўйича олиб борган тадқиқотларини жамлаган. Розия Султон хоним ўз маърузасида қайд этганидек, буюк ўзбек олимнинг мероси, унинг маънавий дунёси ва илмга бўлган қизиқиши ҳозирги ёш авлод учун ёрқин ибрат намунаси.

Исломободдаги Халқро Исломуниверситетининг вице-президенти ва араб тили ўқитувчиси, доктор Муҳаммад Халифа Ҳасан Аҳмад ўз маърузасида Ибн Синонинг муқомини цивилизациясини тарихига қўшган хиссасини бебаҳо, дея қайд этди. — Марказий Осиёдан етишиб чиққан бу машҳур олимнинг илмий изланишлари фарб, жумладан христиан цивилизациясини тараққиётига ҳам улкан таъсир кўрсатди. Унинг назарий қарашлари Европадаги фалсафа таълимоти ва дунёдаги тиббиёт фани ривожига муносиб хисса қўшди. Покистонлик олим бу каби халқро тадбирларни ўтказиш муҳим эканини таъкидлаб, улар ислом маданияти ва мероси ҳақида ихобий таассурот уйғотишга хизмат қилишини айтиб ўтди. «Урта асрларда фарб цивилизациясининг шаклланишига Шарқнинг буюк мутафаккирлари таълимоти улкан таъсир кўрсатганини фарб англаб олиши зарур. Фарб цивилизациясини олимлари ислом цивилизациясини тарихи ва унинг йирик намоёндалари илмий ишлари билан яқиндан танишишлари даркор», — дея таъкидлади олим. Анжуман қатнашчиларининг яқдл фикрига кўра, бўлиб ўтган конференция Шарқнинг буюк мутафаккири, файласуфи, табиби ва шоири — Ибн Сино сиймосига юксак ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Қарор ва ижро

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

БУГУНГИ КУНДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТОБОРА ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАЁТГАНИЛИ БАРОБИРАДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИНГ КУЧАЙИШИ, ЎЗ НАВБАТИДА БУ СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК, БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРДАГИ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШИНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Банкларнинг капиталлашуви моҳиятига кўра узок муддатли ва мураккаб жараёнларни амалга оширишни ўзида ифодалайди. Банкларнинг капиталлашуви даражасини оширишда фонд бозори энг муҳим объектлардан бири ҳисобланади. Банкларнинг фонд бозорид а иштирок этишининг бош мақсадларидан бири, бу фаолиятнинг асосий турларини амалга ошириш учун пул маблағларини жалб этиш, яъни ўз пассивларини шакллантириш ҳисобланади. Улар қимматли қоғозларнинг эмитенти сифатида бир вақтнинг ўзида фонд бозорининг қонунчилик билан руҳсат берилган деярли барча молиявий воситалари— акция, облигация, депозит сертификатларини эмиссия қилишлари мумкин. Ҳуқуқимиз томонидан тижорат банкларининг мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашда, инвестиция жараёнларида иштирокини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур қарорнинг эътиборга молик томони шундаки, унда банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, ушбу ҳуқуқий ҳужжат банкларнинг капиталга аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун қўшимча акциялар чиқариш ва фонд бозорига фаол жалб этиш ҳисобига банкларнинг капиталлашуви даражасини оширишга кенг йўл очиб беради. Шу билан бирга, у тижорат банкларининг ўз капитални ҳисобдан янги, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг кенг иштирок этиши, шу асосда рақобатбардош ҳамда экспортга йўналтирилган махсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришига янада қўлай имконият яратади.

Шунингдек, нақд пулларнинг банкдан ташқари айланганини янада қисқартириш, миқозларини биринчи талаби бўйича нақд пул билан улуғсиз таъминлаш, мин банклар тармоғини кенгайтириш ва банклар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириб, миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга туртки бўлади. Жаҳон банкчилик тажрибасидан шу нарса маълумки, ҳар қандай банкнинг салоҳияти, энг аввало унинг капитал, ресурс базаси ва активлари салмоғи билан баҳоланади. Бинобарин, банкнинг ресурс базаси асосан банк капиталга ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитларидан ташкил топади ва демак, мамлакатдаги ҳар бир фуқаро, ҳар бир ҳўжалик юритуви субъект энг асосий инвестор ҳисобланиб, уларнинг банклардаги маблағлари қанча кўп бўлса, банкнинг кредит бериш, инвестиция қилиш, яъни банкларнинг инвестицион жараёнларида иштирок этиш салоҳияти ҳам шунча кучли ҳамда муқтақам бўлади.

Шунинг учун, давлатимиз раҳбари томонидан айнан банкларнинг капиталлашувини янада оширишга алоҳида эътибор берилётганлиги бежиз эмас. Чунки бу нафақат банк ресурсларининг асосий қисмини янги, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ёҳуд мавжуд корхоналарни модернизациялашга сарфлашга имкон яратади, балки ун янги ўринларининг яратилишига, пировардда эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишга ва халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Мунир АХМЕДЖОНОВ, Ўтқир АМАНОВ.

Иқтисодиёт СИФАТ КУБОГИГА ЭГА БЎЛИШДИ

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШДА ҚОРҲОНАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ, МАЛАКАЛИ КАДРЛАР МАҲОРАТИ ВА АЛБАТТА ИЧКИ БОЗОРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.

2002 йилдан фаолият юритаётган «AZIAELECTROENERGIE» илмий ишлаб чиқиш ташкилоти жамоа ахли сифатли ва рақобатбардош электр махсулотлари билан республикаимизнинг барча вилоятларидаги буртмачиларини мамнун қилмоқда. Сифат ҳамда бош мезон бўлган мазкур корхона жамоаси яқинда нуфузли кўргазмада эътироф этилди, яъни Германия давлатида апрель ойида ўтказилган Халқро кўрикда юқори муқофот соҳиби бўлишди—сифат кубоги ташкилотга тақдим этилди.

Импорту ўрнини босувчи юқори вольтли жиҳозлар, паст вольтли ускуналар ва бошқа кўп қўлаб махсулот турлари қурилиш, нефть-газ-кимё соҳаларида, тоғ-кон, металлургия комбинатларида, авиацияда ва бошқа соҳаларда қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, «Ўзбекистон Темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда юртимиздаги барча электрстанциялар корхонанинг йирик буюртмачилари ҳисобланади. Бугунги кун талаби асосида иш юритаётган жамоада 200 нафарга яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонанинг импорт ўрини босувчи махсулотлари сифатли бўлиши билан бирга, уларнинг нархи нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради. Сифатли хом ашё ҳамда илмий-ишлаб чиқариш ташкилотининг цехларида ўрнатилган замонавий хоржиқ технологиялар жамоа ахлига ҳақиқий маддакор бўлмоқда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

«Жаҳон» АА, Исломобод шаҳри



№5(188) Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

ЮРТИМИЗДА КЎПЛАБ СУВ ҲАВЗАЛАРИ МАВЖУД, УЛАР ДАРЁЛАР, КЎЛЛАР, КОЛЛЕКТОРЛАР КЎРИНИШИДА УЧАЙДИ. УЛАР ТУФАЙЛИ ШАҲАР ВА ШАҲАРДАН ТАШҚАРИДА ЯШАЙДИГАН АҲОЛИНИНГ СУВГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИ ҚОНДИРИЛАДИ. АҲОЛИ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИ ДОИМ ТОЗА САҚЛАШИ ЛОЗИМ.

Хозирда ичимлик сувининг ифлосланиши ва шўрланиши халқаро экологик муаммога айланмоқда.

Шаҳар сув ҳавзалари шаҳардаги табиий экологик муҳитни сақлаб туради, лекин йилдан йилга сув ҳавзаларининг ифлосланиши ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаб аҳолида экологик гигиенанинг тўлақонли ривожланмаганлигидир. Бу муаммо йил сайин катталашиб бормоқда. Бунинг

Республикамизда турли хил халқаро табиати муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар кенг доирада ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Бу ташкилотларнинг асосий вазифаси табиатнинг табиийлигини сақлаш, табиий омилларни асраш, аҳолининг яшашини учун табиатни янада тоза қилиш, комплекс ахволни янада яхшилашни ташкил қилиш, аҳолининг экологик шароитини мувофиқлаштиришдан иборат.

Лекин бу ташкилотлар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, барибир шаҳар аҳолиси ва шаҳар атрофида яшовчи аҳолининг ўзи ҳам сув ҳавзаларини тоза сақлашга ҳаракат қилиши лозим.

Сувнинг танқислиги муаммоси юзага келишининг асосий сабаби ичимлик сувидан нотўғри фойдаланишдир. Хозирги даврда сув захиралари кундан-кунга камайиб дунёнинг кўплаб халқларида турмушнинг оғирлашишига олиб келмоқда. Республикамизда бундай муаммо бўлмаслиги учун ҳар биримиз катта масъулиятни ҳис этиб сув ҳавзаларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишимиз лозим.

Сув ҳавзалари шахримизнинг чиройи ва фаровонлиги учун зарурдир. Шаҳарларимиз сув ҳавзалари билан гўзал. Агар улар тоза ва озода бўлса бу бизнинг ютугимиздир.

Нигора МАМАТОВА,

Тошкент юридик коллеж ўқитувчиси

БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТ КУНИ — БУ БМТНИНГ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ТАДБИРЛАРИДАН БЎЛИБ, ҲАР ЙИЛИ 5 ИЮНДА ДУНЁНИНГ 100 ДАН ОРТИҚ МАМЛАКАТЛАРИДА НИШОНЛАНАДИ. УШБУ ТАДБИР БМТНИНГ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТОМОНИДАН 1972 ЙИЛДА ТАЪСИС ЭТИЛГАН.

Бутунжаҳон атроф-муҳит

кўни олдида

БОЛАЛАР ҲАВЗАДА РАСМЛАР ҲАВЗАДА ТАНЛОВИ

Айнан 1972 йил 5 июнда Швециянинг Стокгольм шаҳрида БМТнинг атроф-муҳит муаммолари бўйича конференцияси ўзини бошлаган эди. Шундан сўнг атроф-муҳит бўйича БМТ дастури ЮНЕП ташкил топди.

Бутунжаҳон атроф-муҳит кўнининг мақсади атроф-муҳит муаммоларига дунё жамоатчилигининг эътиборини жалб қилиш ҳамда бу борадаги тегишли ҳаракатларни рағбатлантиришдан иборатдир. Жорий йилги Бутунжаҳон атроф-муҳит кўни учун «Чўллар ва чўлла-ниш» мавзуси ва «Курғоқчил ерларнинг чўлланишига йўл қўйилмасин!» шiori танлаб олинди. Мазкур шioriнинг ўзи Ер юзининг 40 фоизини эгаллаб келаётган курғоқ ҳудудларни ҳимоялаш нақадар муҳимлигидан далolat бермоқда. Ушбу экотизмда сайёрамиз аҳолисининг учдан бир қисми яшайди ва табиийки, улар ҳақорат хамжамиятининг заифроқ аъзолари ҳисобланадилар. БМТ ташаббусига кўра ўтказилган «Минг йиллик бўсағасида экотизмларни баҳолаш» доирасида таъкидлаб ўтилганидек, чўлланишни ортага кайтаришдан кўра, унинг олдини олиш анча осон. Чўлланишининг асосий сабаблари — турли ҳайвонлар гуруҳларининг атроф-муҳитга бўлган ортиқча таъсири ҳамда ер ресурсларини бошқаришда самарасиз услублар қўлланилиши билан изоҳланади. Юқорида қайд этилган муаммо-

ларни ҳал қилишга ерлардан янада самарали фойдаланиш, эҳтиёткор суғориш услублари ҳамда куруқ ҳудудлар яшовчилари учун қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ бўлмаган ишчи ўринларини яратиш стратегиялари ёрдам бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳар йили бутунжаҳон Атроф-муҳит кўни байрами кўмита томонидан кенг нишонланади.

Бу йилги байрамга ҳам жуда катта тайёргарлик кўрилмоқда. Чунки жорий йилда Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг 20 йиллиги нишонланади. Бундан ташқари экологик маданиятни ошириш, болалар ва ўқувчиларга экологик ҳолатни ўргатиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш мақсадида «Қадрдон шахримиз табиати» номли расмлар танлови эълон қилинди. Бу танловда 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар иштирок этиб, ўзларининг табиатга бўлган қизиқишларини расмлар орқали ифода қилишди. Танлов натижалари 5 июнь кўни эълон қилиниб, қолибларга Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан қимматбахо совғалар топширилади. Бундай танловни ўтказишдан мақсад болалар ва ўқувчилар ўртасида экологик онгни ва маданиятни ўстириш, атроф-муҳит, табиатни асраб-авайлашни ўргатишдир.

М.МИРЗАМУҲАММЕДОВА,
1-тоифали мутахассис

«ЎЗБЕКИСТОН — ЗАҲИРИДДИН БОБУРГА БЕШИК БЎЛГАН ДИЁР»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқаро ислом университети президенти, доктор Хусайн Анвар Сиддикий шундай дейди: «Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг Президент Исом Каримов ташаббуси билан Мовароуннахр заминидан туғилган ва бу ерда яшаб ижод қилган буюк шоирлар, олимлар ҳамда мутафаккирлар миллий қаҳрамон сифатида мамлакат тарихида ўзининг муносиб ўрнини топди. Мен Ўзбекистонда бўлган чоғимда халқнинг бой маданий ва тарихий меросини қайта тиклаш жараёнларини кузатиб, катта таассурот олдим.

Энг асосийси, ҳукумат ва жамоат ташкилотлари ўсиб келаётган ёш авлодни буюк боқалонларига муносиб ворислар сифатида камол топиши учун катта эътибор қаратмоқда».

Покистон Сенатининг халқаро ишлар бўйича доимий қўмитаси раиси Мушоҳид Хусайн Саиднинг таъкидлашича, «ушбу конференция шубҳасиз, Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожланишига хизмат қиладиган маданий дипломатиянинг ёрқин ифодасидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз халқининг ҳақиқий фарзанди, ўз давлатининг том маънодаги фидойи бир вакили бўлган. Бобур ислом, илм-фан ва маданият ҳомийси эди. Унинг улкан хизматлари туфайли Хиндистон ҳудудидан ислом жамоаси вужудга келди».

Покистон Сенатининг ички ишлар бўйича қўмитаси раиси, «Покистон-Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти Муҳаммад Талха Махмуднинг қайд этишича, «Заҳириддин Бобур кўплаб етук мусулмон алломалари ва олимлари етиштириб чиққан Ўзбекистон заминидан дунёга келди. Бобур Хиндистонда улкан давлат тузиб, уни атиги тўрт йил идора қилди. Аммо Бобур шахси тарих зарварларида уч юз йилдан зиёд ҳукм сурган Бобурийлар салтанатининг буюк ва доно асосчиси сифатида ёдга олинади.

Бу дилбар шахснинг яна бир алоҳида ажралиб турадиган жиҳати шундаки, унинг ижодий имкониятлари ҳамда илм-фан ва шеърятга бўлган меҳр-муҳаббати чексиз бўлган. Унинг ўзбек тилида ёзган «Бобурнома» асари бебаҳо адабиёт хазинаси ҳисобланади.

Покистоннинг машҳур шоири Муҳаммад Иқбол ҳам ўз даврида Бобурнинг мухлисидан бири эди. У ўзининг Афғонистонга амалга оширган сафари чоғида Қобулда жойлашган Бобур мақбарасини зиёрат этади ва шоир шарафига шеър битеди».

Исломободда ўтказилган анжуманда «Осиё цивилизациялари жамияти» таълифига биноян Тошкент Давлат шарқшунослик институти олимлари — Тошмирза Холмирзаев, Ансоридин Иброҳимов ва Мухайё Абдурахмоновлар илмий маъруза қилдилар.

Тадбир иштирокчиларининг берган баҳосига кўра, Заҳириддин Бобур ва Муҳаммад Иқбол меросига бағишлаб Исломободда ўтказилган халқаро конференция Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиб бораётганидан далolat беради. Покистон жамоатчилиги вакиллари эътиборини ўзига жалб этган анжуман ўзбек халқининг буюк аждодлари, Ўзбекистон қўлга киритаётган ютуқлар ва унинг маданий меросига нисбатан ушбу мамлакатда алоҳида қизиқиш мавжудлигини яна бир қарра намойиш этди.

Лаҳордаги Иқбол академияси директори Суҳайл Умарнинг фикрига кўра, Бобур ва Иқбол бағишланган конференция мамлакат маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бинобарин, Бобур ва унинг маънавий мероси бутун ислом оламнинг бебаҳо бойлигидир.

«Муҳаммад Иқбол Заҳириддин Бобур ҳақидаги ўз асарларида бизни бу шахснинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишга, шунингдек унинг йўлидан боришга ундайди», — деб қайд этди С.Умар.


Афғонистоннинг Покистондаги дипломатия миссияси раҳбари ўринбосари Мажнун Гулбо ўз фикрини баён этар экан, жумладан шундай деди: «Фикр-мулоҳаза ва ахборот алмашуви тарзида кечган бу каби конференциялар халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Зотан, Заҳириддин Бобур ва Муҳаммад Иқбол мероси минтақадаги барча мамлакатларнинг маънавий ганжинаси эканини ҳисобга олишимиз даркор».

Афғонистонлик дипломатнинг маълум қилишича, 2007 йилда Қобул шаҳрида жойлашган Бобур мақбараси қайта таъмирланиб, «Бобур боғи» яратилди. Эндilikда бу гўзал мажмуа ўзининг дастлабки кўринишини тикламоқда.

Конференция Покистон марказий нашрларида кенг ёритилди. Инглиз ва урду тилларида чоп этиладиган «Nawa-i Waqt», «The Nation», «Daily Times», «The News», «Pakistan Observer» ва «Frontier Post» газеталарида ушбу мавзунинг ёритган бир қатор мақола ва фоторепортажлар эълон қилинди. «Ittehad» газетаси бош муҳаррири Тоҳир Фаруқ эса урду тилида конференция ҳамда Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган газетанинг махсус сонини чоп эттирди.

Конференция ҳақидаги репортажлар давлатнинг «PTV» марказий телеканали, шунингдек «Geo-News», «ARYONE World», «Waqt TV» ва «ATV» хусусий каналларининг янгиликлар дастурларида ҳам кенг намойиш этилди.

«Жаҳон» АА,
Исломобод шаҳри



ТЕКШИРУВЛАР ҲАВЗАДА ЎТҚАЗИЛМОҚДА

ОНА ТАБИАТИМИЗ ҲАВЗАДА НАФАҚАТ ҲАВЗАДА БИРГА 2008 ЙИЛ 29 АПРЕЛДА ОЛИНГАН 52 КИЛОГРАМ БАЛИК 22-МЕХРИБОНЛИК ҲАВЗАДА ТАБИАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БИЛАН ҲАВЗАДА ОҚИЛОНА МУНОСАБАТДА БЎЛМАЙДИЛАР. ШУНДАЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЧЕГАРАЛАШ, УЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК УЧУН ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН БИР ҚАНЧА ҚОНУН, ҚОНДАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Шундай ҳуқуқий ҳужжатлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2008 йил 25 мартдаги 30-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикасининг барча сув ҳавзаларида шу йилнинг 26 апрелидан 10 июнигача балиқларнинг уруғ ташлаш ва урчиш даври бошланганлиги маълум қилинган ва шу давр мобайнида балиқларни овлаш қатъиян тақиқланган.

Тошкент шаҳрида балиқ ва балиқ маҳсулотларининг ноқонуний сотилишининг олдини олиш ва қонунбузарларни жавобгарликка тортиш мақсадида тадбирлар ўтказилиб, тўрт нафар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 90-моддаси билан жавобгарликка

тортилди. Шу билан бирга 2008 йил 29 апрелда олинган 52 киллограм балик 22-Мехрибонлик Ҳавзага топширилди.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ходимлари билан биргаликда тасдиқланган режа асосида 2008 йил 10 апрелдан 10 майгача автотранспорт постларида «Тоза ҳаво» тадбирининг олиб борилиши жараёнида Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат назирлари балиқларнинг урчиш даврида Тошкент шаҳри ҳудудига йўللарида балиқ, балиқ маҳсулотлари ва бошқа сув жониворларининг ноқонуний кириб келишига чек қўйиш юзасидан назоратни кучайтиришган.

Тошкент шаҳрининг барча бо-зорлари ҳудудига ва махсус балиқ сотиш мажмуаларида қайд

этилган вақт давомида балиқларнинг сотилишига йўл қўймаслик чоралари кўрилган. Жумладан, бу ҳақда эълонлар осиб қўйилиб, сотувчилар орасида оммавий тушунтириш ишларини олиб бориш таъминланмоқда.

Лекин шунга қарамадан шахримиз ҳудудига ноқонуний балиқ ва балиқ маҳсулотларининг олиб келиш ҳолатлари учраб турибди. Бу нафақат тегишли мута-садди ташкилотларнинг иши, балки шу қонуний иш билан шуғулланувчи фуқароларнинг виждонларига ҳаволади. Агарда улар ўз хатти-ҳаракатларини вақтинчалик, яъни 10 июнигача тўхтатишса, балиқларнинг кўпайиши учун имконият яратган бўлар эдилар.

Шахло АБДУЖАЛИЛОВА,
давлат ноизи

Жаримачилар

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРИ УЧУН ЖАЗОЛАНДИ

2008 ЙИЛ МАЙ ОЙИДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОНУНЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛИКЛАРИ УЧУН НОЗИРЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЙИДАГИ ҚОРҲОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРГА ЖАРИМА СОЛИНДИ.

• Чилонзор туманидаги савдо дўконларидан бири олдиндан чиқиндилар олиб кетилмаганлиги учун дўкон раҳбари А.Зиявуддинов Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1 моддасига асосан 21000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

• Шайхонтоҳур туманидаги МЧЖ «AGROKIM» директори ўринбосари Е.Абдуллаева зарарли моддаларнинг атмосфераси ҳавосига ташланганлиги

ва норматив ҳужжатлар йўқлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 85-моддаси 1-бандига ва 87-моддаси 1-бандига асосан 63000 сўм миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

• Яккасарой туманидаги «ARIKON-SERVIS» хусусий фирмаси директори Р.Зияев АЕКШни қайта таъмирлаш лойиҳаси давлат экологик эксперти-засидан ўтмаганлиги сабабли Ўзбекистон Рес-

публикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 96-моддаси 1-бандига асосан 42000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

• Бектемир туманидаги «2-Автосозлаш заводи» МЧЖ директори ўринбосари С.Жумановга автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли моддалар миқдори қорхона томонидан идоравий назорат қилинмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 87-моддаси 1-бандига асосан 62595 сўм миқдорда жарима солинди.

• Бектемир туманидаги МЧЖ «Polimer Savdo» бош оператори З.Каримов сувдан махсус фойдаланиш ҳужжатини ишлаб чиқмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 74-моддаси 1-бандига асосан 62500 сўм миқдорда жаримага тортилди.

ОЗ-ОЗ УЎТАНИШ

ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

УМАР ХАЙЁМ ХИКМАТЛАР

Кимсадан аяма бир луқма нонинг.
Кишини ранжитма, гийбатин қилма,
Шунда сенга боқар икки жаҳонинг.

Умринг юз йил бўлсин, беш юзми, ҳазор,
Бу кўхна саройдан кетасан ночор.
Охири қийматинг битта бўлажак:
Бозорда гадо бўл, тахтада шахриёр.

Тирикликдан нима гаминг бор, эй ёр.
Бехуда фикрдан дил — жонда озор.
Кувноқ яшагилу умринг шод ўтказ,
Тақдир қўлингдасан, нима чоранг бор?!

Эй дил, бил, ҳар нима тансиқ жаҳонда,
Шодлик боғин кўкат безар ҳар ёнда.
Кечкурун кўкатга шабнам сингари,
Бир кўндинг-у, учиб кетдинг азонда.

Дединг: "Ҳақиқат не? Нимадир одам?"
Сўзласам — чўзилиб кетади қиссам:
Ҳақ уни ундириб дарё қаридан,
Қаърига отади яшатмай бир дам.

Эй донишманд кекса, тургил эртарок,
Тупроқ элаётган болага бир боқ
Ва унга дегилки: "Эла секинроқ,
Кай боши, Парвез кўзи бу тупроқ.

Кимнинг ёнида бор гулдек жонони,
Этагин ушласин, қўлда паймони.
Эрта гул баргидек учирди кетар
Умр кўйлагини ажал бўрони.

Бир бурчақда қотган нонга қаноат,
Истамадим ундан ортиқ ҳашамат.
Жону дилдан харид этдим фақирлик
Фақирликдан ортиқ кўрмадим давлат.

Келолмагач қайтиб ушбу оламга,
Қўрқман етмасмиз ёру ҳамдамга.
Бу дамни ганимат ҳисоб этайлик,
Балки етолмасмиз ҳатто шу дамга.

Бир нонни икки кун е, тортма ҳеч миннат,
Ўзга нонидан ўз дил қонинг кўп авло.

Бунчалик гам ема, ўткинчи — жаҳон,
Бир дамлик умрингда бўл шоду хандон.
Бошқалар кетидан келмасди навбат
Вафо нималигин билганда даврон.

Эй тун-кун дунёга кўз тиккан киши,
Ақлингни жўймасин дунё ташвиши.
Ахир, эсингни йиғ, ҳушёрроқ бир боқ:
Недир бошқаларга унинг қилмиши.

Бир сўнғакка сордек қаноат қилгон
Афзалдир нокасга бўлгандан мўҳмон.
Нокасинг шиннилик нонидан яхши
Ўзинг топиб ён бурда арпа нон.

Шод дилни этмасин гамтин кўз ёши,
Хуш вақтинг эзмасин машаққат тоши.
Эрта не бўлишин билмагач киши,
Бу кун бўлсин май, най, маъшук йўлдоши.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қоржонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Ташкилотга котиба-референт керак. Ойлик келишув асосида. 234-21-01.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ИИБ томонидан Камалов Муҳаммадсолижон Комилжонович номига берилган СВ 1512195 рақамли фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲАҚИҚАТ БАҲС - МУНОЗАРАЛАРДА ТУФИЛАДИ

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ҚОШИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ЁШЛАР ТАШАБУСУЛАРИ МАРКАЗИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ТАЛАБА ЁШЛАРИНИҲ ЛОЙИХАЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВАТЛАШ ВА УЛАРГА ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГРОҚ НАМОЁН ЭТИШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИШДИ.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъмин этиш мақсадида марказ томонидан бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ўтказилган форум ана шундай тадбирлар сирасига кириди.

Ҳақиқат баҳс ва мунозараларда туғилади, бундай шаклдаги мулоқот эса ҳар бир инсонда ўз фикрини айта олиш, мулоҳазаларини эркин, тўғридан-тўғри ифода этиш ва воқеликдан ўз дунё қарашига таяниб чиқарган хулосасини ҳимоя қила олиш қобилиятини ҳам шакллантиради. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг самарали фаолиятдан қўланган асосий мақсад ҳам ана шундай кўникмаларни ёшларга сингдиришдан иборат.

Марказ фаоллари гоёси билан ташкил этилган баҳс-му-

нозаралар клубларининг биринчи ёшлар форуми ҳам йигит-қизлар ҳаётида нотиклик санъати, ҳаётимиздаги долзарб мавзуларни кўра билиш, уларни ечимини топа олиш, бу борада етакчилик каби қобилиятларини шакллантиришда хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мазкур тадбирнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги ахборот ресурс марказида бўлиб ўтиши ҳам бежиз эмас. У ерда пойтахтдаги олий ўқув юртлири талабалари билан вилоятлардаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар анъанавий тарзда турли мавзуларда беллашувлар ташкил этиб туришади.

— Баҳс қилиш маданиятини ва ўз фикримизни мустоҳкамлашни ўрганишимиз, — деди Тошкент давлат санъат институти талабаси Бахтиёр Аҳмедов. — Фикр алмашиб интеллектуал билимимиз ва дунё қарашимизни янада оши-

раётимиз. Уюштирилаётган баҳс-мунозаралардаги мавзулар қўламини ва долзарблиги ўз-ўзидан кишини чуқур мушоҳадага чорлайди. Масалан, иқтисодий ривожланиш маданиятга боғлиқми? Миллий тараққиётимизда экологик муаммолар, ёшларни иш билан таъминлашда ташкилот ва муассасаларни ўрни каби мавзулар бугунги ислохотларга ҳаммадангилли билан ажралиб туради. Шу билан бирга тадбирга таклиф этилган эксперт ва етакчи соҳа мутахассислари иштирокида уста-шогирд машғулоти ҳам бўлиб ўтди. Мазкур форумнинг самараси сифатида мунозаралардан сўнг иштирокчилар томонидан тақдим этилган ва ечимини ўзида муҷассамлаштирган хулосалар қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалиётга тадбиқ этилиши режалаштирилди.

Тадбир якунида турли номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди. Фойлибарга таътил ойларидан марказ томонидан ташкиллаштирилган истаъоддаги ёшлар ёғи ўқув оромгоҳига йўлланма берилди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

Спорт

ЯККАКУРАШ УСТАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «УНИВЕРСАЛ» СПОРТ САРОЙИДА УЧ КУН ДАВОМИДА УНИВЕРСАЛ ЖАНГ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ШИДДАТЛИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Айтиш жоизки, юртимизда ушбу спорт тури бўйича Осий чемпионати учинчи бор ўтказилмоқда. 2005 ва 2007 йилларда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган нуфузли мусобақаларда кўпгина ёш, умидли унифайн усталари кашф этилган эди.

Чемпионатда 15 мамлакат вакиллари қатнашди. Иштирокчилар 8 та вазн тоифаси бўйича галаба учун кураш олиб бордилар. Улар дастлаб турли тўсиқлардан тезкорлик билан ошиб ўтишлари ва рингда жанг ўтказишлари керак эди. Айниқса, 60, 65, 70, 75 килограммлик вазн тоифаларидаги

беллашувлар қизгин ва муросасиз кечди. Аввалги чемпионатларга қараганда иштирокчиларнинг маҳоратлари ошгани аққол сезилиб турарди.

Таъкидлаш жоизки, 60 килограммгача бўлган энг енгил вазнда Тожикистон вакили Сиёвуш Шарипов галаба қозongan бўлса, қолган деярли барча вазн тоифаларида мамлакатимиз спортчилари етакчиликти қўлдан бой бермадилар. Чунончи, 65 килограммгача вазн тоифасида финалда икки ҳамюртимиз ўзаро рўбарў келди. Фақат таъриба ва маҳорат бобида устунликка эришган Нуриддин Нуриддинов хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

70 килограммликлар ўртасида Тожикистоннинг яна бир вакили Артур Одилбеков голиб чиқди.

75 килограммликлар ўртасида эса яна бир ўзбекистонлик спортчи Михаил Орловга тенг келадиганлар топилмади.

80, 85, 90, 95 килограммгача вазн тоифаларида ҳам

юртимиз шарафини ҳимоя қилган Мурод Хонтураев, Алишер Абдуллаев, Шерзод Сулаймонов, Талант Турсуновлар чемпионатнинг олтин нишонларини қўлга киритдилар. Турнирнинг барча голиб ва совриндорлари муносиб тақдирланди. Умуманмао ҳисобида юрдошларимиз биринчи ўринни эгаллашган бўлса, Тожикистон ва Россия вакиллари иккинчи ва учинчи бўлишди.

Универсал жанг билан бир қаторда спорт пичоқларини нишонга ташлаш бўйича ҳам Осий чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Бунда 16 катнашчидан 6 таси финалга чиқди. 5, 7 метрга пичоқ санчиш баҳсларида Жавод Очиллов (Туркменистон), Олег Мартинчук (Беларусь) галаба қозongan бўлса, 9 метрга нишонга уришда ва мутлак йўналишда россиялик Андрей Яковлевга ҳеч ким тенг келолмади.

Шунингдек, чемпионат доирасида 18та мамлакат вакиллариининг Универсал жанг федерацияси президенти Сергей Новиков билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Унда мусобақа якунлари таҳлил қилинди, ҳакамлар фаолиятига баҳо берилди, келгуси чемпионатларни ўтказиш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: чемпионатдан лавҳалар
Алексей Попов олган суратлар



«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИДА «БЎЛАЖАК ОНАЛАР ЎРТАСИДА ЧЕКШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ» ЛОЙИХАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЧЕКИШГА ЧЕК ҚЎЙИШ КЕРАК

Унда Республика акушерлик ва гинекология институти, Республика «Саломатлик» маркази Тошкент шаҳар бош бошқармаси вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Дарҳақиқат, вояга етмаганлар ва аёллар ўртасида чекишининг тарқалиши ачинарли ҳол. Бундан олдини олиш мақсадида турли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда таъкидланишича, мазкур лойиҳа доирасида жорий йилнинг май-июль ойларида пойтахтнинг Чилонзор, Юнособод, Сергели, Яксарой, Миробод туманларидаги туғруқ мажмуалари ва туман соғлиқни сақлаш бошқармалари биносида ҳаммадан аёллар ўртасида чекишининг олдини олиш хусусида акушер-гинекологлар билан жами 14 та маъруза ҳамда семинарлар ўтказилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги 60 дан ортиқ оилавий поликлиникалар ҳамда 14 та туғруқ муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи плакат ва буклетларнинг тарқатиш кўзда тутилган. Лойиҳага кўра 300 га яқин шифоқор акушер-гинекологлар учун таърибали мутахассислар томонидан ўқув-семинарлар ташкил этилади.

Тадбирда мутахассислар чекишининг салбий оқибатлари хусусида сўз юритишди. Бундай ёмон иллатларга ёшлар ва хотин-қизлар қўшилиб кетмаслиги учун турли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги айтиб ўтилди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда «Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳа оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва янада такомиллаштиришга қаратилган.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

ЮРАК ХУРУЖИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Стенокардия — бу юрак ишемик касаллигининг энг кенг тарқалган аломатидир.

Ҳўш, бу касаллик нималарда ўзини намоян эатади? Стенокардия хуружи вақтида бемор кўкраги қисилишини, босимини, куйиб-ачишини ҳолатини, ўткир оғриқ ёки кўкрак қафасидаги увишишни ҳис этади. Оғриқ чап елка, қўл, бўйинга ўтиши мумкин. Хуружлар бир-бирига ўхшайди ва 10 дақиқадан ортиқ чўзилмайди.

Бу оғриқ юракнинг қон билан таъминланиши ёмонлашуви оқибатида пайдо бўлади. Атеросклероз, ирсият, қангли диабет, асаб тизимининг кўзагилиши ва албатта, ҳаёт тарзи юқоридаги касалликка сабаб бўлувчи омиллардан ҳисобланади. Энг аввало, бу оқибатларни меърий мувозанатларга риоя этмаслик ва оқибатда қондаги холестерин моддасининг ортиши ва натижада томирлар қайшиқоқлиги ёмонлашишида ўз ифодасини топади.

Стенокардия хуружлари кўпинча жисмоний зўриқиш, қаттиқ ҳис-ҳаяжон туфайли, организмнинг қаттиқ совиб кетиши ёки қизиб кетиши натижасида, оғир ва аччиқ-шўр таомлар истеъмол қилинганидан кейин юз бериши мумкин. Бундай вақтларда юракка зарба кучи ортади, келисиз оғриқларнинг кўпроқ сезилади ва оғриқ кучая боради.

Стенокардия хуружи инфарктага олиб боради. Стенокардия хуружлари узокроқ давом этадиган бўлиб қолган, олдингидан тезроқ такрорланган ва ҳатто дам олиш вақтларида ҳам юз бе-

радиган ҳолларда инфарктнинг ривожланиш хавфи кучлироқ бўлади.

Стенокардияни муваффақиятли даволаш учун юрак-қон томир тизими фаолияти бузилишига сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш керак. Юрак ишемияси хасталиги фақат кексаларга ёпишади, деб ўйлаш нотўғри. У тобора ёшариб бормоқда ва 30-35 ёшли мижозлар кардиология бўлимлари учун одатий мижозларга айланиб қолишган. Жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланувчилар сони тобора камайиб бормоқда, улар кўпроқ оқшомларни телевизор томоша қилиб ўтказишни хуш кўришади. Ваҳоланки, инсон мушакларининг фаоллиги қонни томирларга ҳайдашда юракка ёрдам беради. Агар одамнинг мушаклар фаоллиги етарли бўлмаса, танани қон билан таъминлашнинг бутун оғирлиги юракка — миокардга тушади. Соғлом бўлиш учун ҳаракат қилиш, жисмоний юракдан юракни аяшни тўхтатиш керак.

Хуружлар вақтида нима қилиш керак? Биринчидан, оғриққа сабаб бўлувчи омилни бартараф этиш зарур. Агар бу жисмоний зўриқиш натижаси бўлса — дарҳол уни тўхтатиш лозим. Мабодо, бу руҳий-эмоционал (ҳаяжон, стресс) юки таъсири бўлса — хонаки дорихонада мавжуд бўлган ҳар қандай тинлантирувчи дорилар — валериана настойкаси, корвалол, валокординдан бирини ичиш керак.

Иккинчидан, оёқларингизни пастга осилтирган ҳолда ястаниб ўтириб олинг. Тоза ҳаво доимий кириб тури-

шини таъминланг. Оғриқ тинка қуриши, бош айланиши билан кечадиган бўлса ва ётганда оғриқ кучаймаса — ётиб олинг.

Учинчидан, бир таблетка нитроглицеринни тилингиз остига ташланг. Агар таъсири сезилмаса, 5 дақиқалик танафус билан нитроглицеринни уч мартагача қабул қилишингиз мумкин. Нитроглицеринни қабул қила олмайдиганлар валидол ичиша ҳам бўлади.

Тўртинчидан, агар оғриқ ўтиб кетмаса — зудлик билан «тез ёрдам» машинасини чақиринг.

Стенокардиядан даволанишнинг ҳалқ табobati усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин:

5 г дўлана гули устига бир стакан қайнаб турган сувни қуйиб, устини ёпинг, идишни қайнаб турган сувда 15 дақиқа қайнатинг. Кейин 45 дақиқа давомида совутинг, сиқиб турлини чикари ташланг ва қолган сувнинг миқдорини 200 граммга етказинг. Дамламани ярим стакандан кунига уч маҳал овқатдан ярим соат олдин истеъмол қилинг.

Кунига 3-4 маҳал бир чой қошиқдан асал енг ва қайноқ чой ичинг. Земляника ўтини қайноқ чой билан ичиш фойдали (1 стакан сувга 1 чой қошиқ ҳисобида).

Шунингдек, юрак томирларига ялпизи иссиқ чой ҳам яхши таъсир этади (бир стакан сувга бир дона қуритилган ялпиз барги қиёра қилади).

Кунига ҳеч бўлмаганда бир бўлак саримсоқ пивэни истеъмол қилинг.

Мунажжим башорати

29 МАЙ, ПАЙШАНБА

Бугунги кун рамзи Аийқ бўлиб, у эскириб, ноқерак бўлиб қолган нарсаларни бузиб, янгиларини яратиш маъносини аналатади. Кун янгилашиш, янги нарсаларни яратиш билан боғлиқ бўлиб, ондан саломатлигингизни тиклашда самарали фойдаланиб қолишингиз керак. Бугунги кун қуввати кучлилигини ҳисобга олиб, узок давом этадиган ва катта ҳажмдаги ишларни бажариш мумкин.

Рақобат, жисмоний машқлар, таваккалчилик бугун омадли бўлиши қутилади. Уз фикр-хаёлларингиз билан ҳиссиётларингизга азоб берасиз, ўз қобилингизда ўрлашиб қолишингиз хавфи туғилади. Тетиклик ва ҳушчаққалик, келажакка ишонч ҳақиқий омад келтиради.

Бугун юрак-қон томир хасталиклари, гипертонияни даволаш тавсия этилмайди. Гомеопатик дориларни истеъмол қилиш, гиёҳлар билан даволаниш, биоэнергетика яхши натижа беради. Тишларни даволатишни бошқа кунга қолдиринг. Сарфлаган қувватингизни тиклаб олиш учун оқсилга бой овқатларни тановул қилишингиз керак.

Тушларингиз ҳаётий муаммоларини ҳал этишда ёнингизда турадиган умр йўлдошингизни қандай топшингиз ҳақида бўлиб, мабодо, ёқимсиз воқеаларни кўрсангиз, улар ҳақида мушоҳада қилиб қўришингиз тавсия этилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси раҳбарияти
2008 йил 30 май кунин соат 10.00 дан 13.00 гача Ҳамза туман ҳокимлиги биносида тадбиркорларни мавжуд муаммолари юзасидан қабул қилади.
Қабулга муаммога оид асослантурувчи хужжатлар билан келиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!
Икки ёшгача боласини парвариш қилаётган оналар, вояга етмаган болали оилалар ҳамда кам таъминланган оилаларга нафақаларни тайинлаш ва тўлаш бўйича ўзингизни қизиқтирган саволлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ташкил қилинган қуйидаги ишонч телефонига (шанба, яқшанба кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 га қадар мурожаат қилишингиз мумкин;
Ишонч телефони рақами: 233-78-51

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-406

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилди. Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбоси акциядорлик компанияси босмоқсони. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6